

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Ҳисоб палатаси бюджетга тушумлар устидан назоратни кучайтиради

Президентнинг 10.08.2017 йилдаги ПФ-5147-сон Фармони билан Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Ҳисоб палатаси – олий ташқи аудит ва молиявий назорат органи. У ўз ваколатларини мустақил равишда амалга оширади ва ўз фаолиятида бевосита Президентга буйсунади, Президентга ва Олий Мажлис палаталарига ҳисобдор.

Ҳисоб палатаси Президентга ўз фаолияти, шу жумладан Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича тизимли равишда ахборот бериб боради.

Ҳужжат Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари,

унинг тузилмаси ва штат жадвалини ўз ичига олади.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатасига қуйидаги ваколатлар тақдим этилди:

➤ ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базасига кириш;

➤ ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва ташкилотларга уларнинг маълумотлар базасидаги номувофиқликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

➤ Давлат бюджети даромадлари прогнозининг тўғрилигини баҳолаш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг тўлиқ йиғилувчанлигини ва солиқ солиш объектларининг тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш бўйича ўтказиладиган назорат тадбирларига

молия, солиқ ва бошқа органларнинг ходимларини жалб этиш;

➤ назорат тадбирлари натижалари бўйича қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини яна-

да такомиллаштириш, давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, самарасиз солиқ ҳамда божхона имтиёзларини бекор қилиш, солиқ маъмуриятчилиги ва солиқ солинадиган базанинг тўлиқ қамраб олинганлигини яхшилашга қаратилган солиқ ставкаларини ўзгартириш юзасидан тақлифлар киритиш;

➤ Молия вазирлиги ва ДСҚга, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳудудий давлат солиқ ва молия органлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Келгуси йилдан Ҳисоб палатаси ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой харид қилиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш бошланади.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 14.08.2017 йилдаги 32 (792)-сонида расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

«Ўзсаноатэкспорт» маҳаллий экспорт қилувчиларга ёрдам беради

Президентнинг 16.08.2017 йилдаги ПҚ-3220-сон қарори билан «Ўзсаноатэкспорт» АЖ фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари белгиланди. Ҳужжат матни president.uz сайтида келтирилган.

Қарор билан «Ўзсаноатэкспорт» АЖнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари белгиланди. Чўқур маркетинг тадқиқотларини олиб бориш,

маҳаллий ташкилотларга хорижий харидорларни топшида ёрдам бериш, хорижда ўтказиладиган тендер (танлов) савдолари, халқаро савдо-саноат кўргазмалари, ярмаркалар ва бошқаларда иштирок этиш кабилар шулар жумласидандир.

«Ўзсаноатэкспорт» АЖга қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

➤ ўзининг хориждаги савдо уйлари манзилига озиқ-овқат бугдойидан фойдаланиш баланси билан тасдиқ-

ланган ҳажмлар доирасида консигнациялаш шарти билан озиқ-овқат уни ва бугдойини юклаб юбориш;

➤ компания томонидан олиб келинадиган ва «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни жаҳон бозорларида сотиш учун кейинчалик четга чиқаришни амалга ошириш.

«Ўзсаноатэкспорт» АЖ томонидан ташқи савдо операциялари амалга оширилишида экспорт операциялари бўйича тушум тушиши ёки қайта олиб кириш муддати товарлар, ишлар ва хизматлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 90 кундан ошмаслиги керак.

Меҳмонхоналар хорижлик мутахассислар бўйича ЯИТдан озод қилинди

Президент «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни (16.08.2017 йилдаги ПҚ-3217-сон) имзолади. Бу ҳақда president.uz сайтида хабар берилди.

Ҳужжат билан 2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди, шунингдек Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг кўрсатилган даврда чет давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича халқаро шартномалар ишлаб чиқиш ва уларни имзолашга тайёрлашни ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқулланди.

1.01.2018 йилдан қатор мамлакатлардан кела-диган хорижий туристлар учун виза ва рўйхатдан ўтиш тартиботлари соддалаштирилади (ишчи гуруҳ мамлакатлар рўйхати бўйича тақлифлар киритади). Бундан



ташқари, алоҳида давлатлар (Малайзия, Индонезия) фуқаролари учун зиёрат туризмнинг махсус дастурлари тақлиф қилинади.

Урганч, Тошкент шаҳарлари ва Фарғона вилоятида Хива ва Бухоро аналогияси бўйича туризм ҳудудлари, шунингдек, Тошкент вилояти Бўстонлик туманида тоғ кластерлари ташкил этилади. Ташкил этилаётган туризм ҳудудлари ва тоғ туризми кластерларига чет эл инвесторларини, бутун республика бўйича эса янги меҳмонхоналар қуриш учун етакчи меҳмонхона брендлари жалб қилинади ёки мамлакатимиздаги меҳмонхона ҳўжаликлари улар бошқарувига берилади.

2022 йил 1 январга қадар:

меҳмонхоналар – бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган малакали хорижлик мутахассисларнинг меҳнати ҳақ тўлаш фондидан ЯИТ тўлашдан;

меҳмонхоналарга бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинадиган малакали хорижлик мутахассислар дўхона мадлари – ЖШДСдан озод этилди.

Ушбу
сонда:

3-БЕТ

АЖ унитар корхоналарни қўшиб олмоқчи:
унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарадими?

4-БЕТ

Беҳафсала контрагентга қандай
таъсир кўрсатиш мумкин

8-БЕТ

Ходимнинг айбисиз иш тўхтади:
маош тўланадими ёки йўқми?



1-бетда

Бўш турган давлат мулки объектлари тадбиркорларга берилади

Хукулатимиз Тошкент шаҳри ҳамда Андижон ва Сирдарё вилоятларида жойлашган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари юзасидан қарорлар қабул қилди (Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 15.08.2017 йилдаги 32 (792)-сонида эълон қилинган).

Вазирлар Маҳкамасининг 4.08.2017 йилдаги 588-сон ва 589-сон қарорларида Андижон ва Сирдарё вилоятларида давлат мулки объектлари хатловдан ўтказилганиги, унинг натижаси бўйича мазкур объектлардан келгусида самарали фойдаланишга доир тақлифлар ишлаб чиқилганиги қайд этилган.

Қарорлар билан ушбу вилоятларда самарали фойдаланиш учун тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан «нол» ҳарид қийматида сотиш тақлиф этилаётган бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари рўйхати, янги кичик саноат зоналари ташкил этиладиган ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкалари рўйхати тасдиқланди.

Андижон ва Сирдарё вилояти туман (шаҳар)лари ҳокимларига «Давлат мулкини ижарага бериш марка-

зи» ДУК билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун республика давлат бошқаруви органи тасурурида бўлган туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (майдонларини), тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг тегишли мурожаатидан сўнг икки ой муддатда балансда сақловчилар томонидан уларни ижарага бериш таъминланмаган тақдирда, истисно тариқасида, бир йилгача бўлган муддатга ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Андижон ва Сирдарё вилояти ҳокимларига вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари – балансда сақловчилар билан келишган ҳолда фойдаланилмаётган ва бўш турган давлат мулки объектларини, хусусийлаштирилмайдиган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Хукулатининг қарорларига биноан хусусийлаштириладиган объектлардан туман (шаҳар)лар ҳокимликларининг оператив бошқарувида қабул қилиш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 4.08.2017 йилдаги 590-сонли қароридан Тошкент шаҳрида ўтказилган хатлов якунлари бўйича 44 та бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари аниқ-



ланганлиги қайд этилган ва Тошкент шаҳрида жойлашган, тадбиркорлик субъектларига сотиш тавсия этиладиган ҳамда самарали фойдаланиш чоралари қўриладиган бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари рўйхати тасдиқланган. Қарор билан вазирликлар, идоралар, ташкилотлар – объектларни балансда сақловчилар, Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасига мазкур қарорнинг иловасига киритилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида тадбиркорлик субъектларига сотиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш топширилди.

Шахсий штамплар бекор қилинди

Ички ишлар вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2017 йил 1 августдан 1077-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Мухрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

Илгари жисмоний шахслар ўз эҳтиёжлари учун шахсий штамплардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эдилар. Ф.И.О. туширилган шахсий штампни тайёрлаш учун рухсатнома олиш зарур эди. Бунинг учун ички

ишлар органларига ариза топшириб, штамп эскизининг шахсий имзоси билан тасдиқланган 2 нусхаси илова қилинарди.

Киритилган тузатишлар натижасида мазкур тартиб ўз кучини йўқотди. Шу тариқа, шахсий штамплар бошқа тайёрланмайди.

Бундан ташқари, муҳр ва штампларни тайёрлаш тартиби аниқлаштирилади. Қуйидагилар аниқлаштирилди:

➤ Адлия вазирлиги, ИИБ, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, МБда давлат рўйхатидан (аккреди-

тациядан) ўтказилган ёҳуд Президент ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган юридик шахсларнинг филиаллари ва ваколатхоналарига уларни ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси беради;

➤ Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилган (ҳисобга қўйилган) алоҳида бўлиналарга – Қорақалпоғистон ИИБ, Тошкент шаҳри ИИББ ва вилоятлар ИИБнинг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси беради.

Хўжжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 7.08.2017 йилдаги 31 (791)-сонидан расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Самир Латипов, Олег Заманов, экспертларимиз.

Эълон

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

200-00-59 телефони орқали (шаҳарларро кўнгироқлар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтаининг 5 кўни давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар



ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 22 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, қўлхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари3311,97	1 Малайзия ринггити975,81
1 Англия фунт5381,37	1 Польша злотийси1148,76
1 Дания кронаси660,40	1 СДР5892,99
1 БАА дирҳами1138,66	1 Туркия лираси1189,84
1 АҚШ доллари4182,30	1 Швейцария франки4329,06
1 Миср фунти236,02	1 ЕВРО4927,15
1 Исландия кронаси39,53	10 Жанубий Корея вонини36,74
1 Канада доллари3319,82	10 Япония иенаси382,78
1 Хитой юани626,77	1 Россия рубли70,46
	1 Украина гривнаси164,07

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	21.08.2017	1	1,7008	1	1,9988	1	0,0288
Арманистон	18.08.2017	1	478,57	1	561,79	1	8,05
Беларусь	21.08.2017	1	1,9383	1	2,2763	100	3,2649
Грузия	21.08.2017	1	2,3895	1	2,8067	100	4,0213
Қозғистон	21.08.2017	1	332,8	1	390,57	1	5,6
Қирғизистон	21.08.2017	1	68,7437	1	80,7601	1	1,1581
Молдова	21.08.2017	1	17,8591	1	20,9791	1	0,3007
Россия	22.08.2017	1	59,1409	1	69,4314	—	—
Тожикистон	21.08.2017	1	8,8095	1	10,3424	1	0,1457
Туркменистон	21.08.2017	1	3,5000	1	4,1160	100	5,9424
Украина	21.08.2017	100	2 549,0401	100	2 992,5731	10	4,2941

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

— Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз

— Валюталар курси **1-2-бетлар**

• ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

— Тушунмовчилик оқибати

— Қайта ташкил этиш юридик шахснинг

— Лицензия олиб, савдо қилинг

— Зарарлар қопланишига эришинг

— Шартнома қачон нотариал тасдиқла-

— Буюртмачи ишни қабул қилмаяптими?

— Судга боринг! **3-4-бетлар**

• АВТОНОРМА

— Ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш

— GPS-трекерли транспортга йўл вара-

— Қаси тўлиқ тўлдирилмайди

— «Ўзбошимчилик»га рухсат берилмайди

— Жарималар ҳақида билиш учун

5-бет

• ФАРМОН ВА ИЖРО

— Ҳакамлик судлари мавқеини ошириш

— йўлида **6-бет**

• ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

— Мерос фақат келишувга кўра тақсим-

— Она — таътилда, лавозими — амалда

— Меҳнат муҳофазаси учун раҳбар жавобгар

— Бино учун қим жавоб беради? **7-бет**

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

— Айбсиз айбдор бўлиб қолмаслик учун...

— Сменали иш графиги: нималарга

эътибор бериш лозим

— Ҳар бир ходимга алоҳида буйруқ

8-бет

Тахрират аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари холларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида айб қилинади.

Тушунмовчилик оқибати

Муассислар умумий йиғилишда устав фондини, шу жумладан ҳисоб-китоб счётига пул ўтказиш йўли билан кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Ушбу қарор рўйхатдан ўтказилди, таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Ҳозирги пайтда компаниямиз улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга лицензия олиш мақсадида «ягона дарча» марказига мурожаат қилди, у ердагилар муассислар устав фондини нақд пул маблағлари билан шакллантиришлари зарурлигини айтиб, лицензия беришни рад этдилар.

Муассислар номидан ҳисоб-китоб рақамимизга тушган пул маблағлари ҳисобидан улгуржи савдога лицензия олиш учун устав фондини кўпайтириш ҳуқуққа зид ҳисобланадими?

Газетхон.

– ЭКИХнинг камида 3 500 баравари миқдориди, улардан ЭКИХнинг камида 1 200 баравари миқдориди пул маблағлари билан шакллантирилган устав фондини мавжуд бўлиши улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишнинг лицензия талабларидан бири ҳисобланади.

Лицензия олиш учун лицензияловчи органга ЭКИХнинг камида 3 500 баравари миқдориди устав фонди шакллантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг (таъсис ҳужжатларининг), шу жумладан ЭКИХнинг камида 1 200 баравари миқдориди пул маблағлари киритилганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхасини тақдим этиш зарур (ВМнинг 5.11.2005 йилдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 9, 10-бандлари).

Низомда нақд пул маблағларини киритиш талаби назарда тутилмаган. Бошқа лицензия талаблари ва шартларига риоя этган бўлсангиз, лицензия беришга ёзма рад жавобини олиб, ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш мақсадида судга ёхуд адлия органига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз.



«Ягона дарча» маркази ходимлари лицензия олиш учун қайсидир ҳужжатни тақдим этмаганингизни тўғри тушунира олмаган бўлишлари ҳам мумкин. Фикримизча, ЭКИХнинг камида 1 200 баравари миқдориди пул маблағлари киритилганлигини тасдиқлашни талаб қилганлар. Ушбу сумма ҳақиқатан муассислардан келиб тушганлигини тасдиқлаш учун сизга хизмат кўрсатуви банкка ариза, муассисларнинг қарори ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар билан мурожаат қилишингиз, шунингдек «ягона дарча» марказига тақдим этиш учун банкдан тегишли маълумотнома беришни талаб қилишингиз лозим.

Абдурахмон Бахтиев, «Norma Online» эксперти.

Акциядорлик жамияти қайта ташкил этиш чоғида таркибини ва штат жадвалини ўзгартирган ҳолда ўзининг таркибий унитар корхоналари ва МЧЖни ягона ишлаб чиқариш АЖга қўшиб олишни режалаштирмоқда. Яъни АЖ бошқарув ва назорат органидан ишлаб чиқариш корхонасига айланмоқда, унитар корхоналарнинг барча функциялари унга ўтмоқда.

Бунда АЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарадими?

Р.Қосимова.

Қайта ташкил этиш юридик шахснинг шаклини ўзгартирмайди

– Агар акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорлик жамиятини ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилмаган бўлса, АЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгармайди.

Қайта ташкил этишнинг бир неча шакли мавжуд: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш (ФКнинг 49-моддаси). Қўшиб олиш ва ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳолатларини кўриб чиқамиз.

Сизнинг ҳолатда қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бир ёки бир неча юридик шахс фаолиятини тугатиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа юридик шахсга ўтказиш жамиятни қўшиб олиш деб эътироф этилади.

АЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш ҳақида сўз борганда, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган бўларди. Айни ўзгартиришда юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бошқасига ўзгаради. Агар бундай қарор бўлмаса,

иштирокчиларда АЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш нияти бўлмаган.

Ҳужжатларни лозим даражада расмийлаштириш учун қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш масаласини кўраётганда кун тартибига куйидаги масалаларни киритишни тавсия этамиз:

1) қайта ташкил этилаётган АЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сақланиши ёки ўзгариши;

2) АЖ билан унга қўшиб олинаётган юридик шахслар (унитар корхоналар ва МЧЖ) ўртасида қўшиб олиш шартномаси тузилиши, сабаби қонун ҳужжатларида уни тузиш талаб этилади.

Шартномада қўшиб олиш тартиби ва шартлари, шунингдек қўшиб олинаётган жамиятнинг акцияларини (улушларини) жамиятнинг акциялари ва (ёки) улушига айирбошлаш тартиби белгиланган бўлиши керак («Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 94-моддаси).

Қўшиб олинаётган юридик шахсларнинг ваколатли органлари жамиятларни қайта ташкил этиш, қўшиб олиш шартномасини имзолаш ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилишлари керак.

Корхоналар АЖга қўшилганида, уларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ унга ўтади (ФКнинг 50-моддаси 2-қисми). Ишлаб чиқариш функцияларининг АЖга ўтиши қонун ҳужжатларига зид эмас, сабаби жамият хўжалик фаолиятини амалга оширувчи тижорат ташкилоти ҳисобланади.

Лицензия олиб, савдо қилинг

Корхонамиз ковак шиша буюмлар ишлаб чиқаради (ИФУТ коди – 23130). Маҳаллий вино-ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва яқин хориждаги ҳамкорлар маҳсулотимиз харидорлари саналади. Экспортга етказиб бериладиган маҳсулот 7010 90 410 0, 7010 90 430 0 ТИФ ТН кодларига эга. Мижозларимиз ковак шиша бутилка комплектида бошқа корхонада тайёрланадиган қалпоқча ва картондан ясалган ўров қутисини сотиб олмақчилар. Қутилар ва қалпоқчаларни валютага сотиш учун харид қилишимиз мумкинми? Агар мумкин бўлса, қандай рухсатнома тусидаги ҳужжатлар керак бўлади?

А.Шайхиддинова.

– Ҳа, агар улгуржи савдога лицензиянинг бўлса, бошқа корхонадан харид қилинган товарларни сотишингиз мумкин.

Улгуржи савдо деганда тижорат мақсадларида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш учун ҳисоб-китобларнинг нақдинасиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш тушунилади (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-банди). Улгуржи савдога лицензия олган тақдирда улгуржи савдо билан шуғулланишингиз мумкин (Низомнинг 3-банди).

Лицензия олиш учун корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги ҳокимликка мурожаат қилиш ва куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1) юридик шахснинг барча рекевизитлари кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисида ариза;

2) юридик шахснинг давлат рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

3) ЭКИХнинг камида 3 500 баравари миқдориди устав фонди шакллантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг, шу жумладан ЭКИХнинг камида 1 200 баравари миқдориди пул маблағлари киритилганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси;

4) лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим¹ тўланганлигини тасдиқловчи ларни сотишингиз мумкин. Бунинг учун норезидент юридик шахс билан товарларни экспорт қилишга контракт тузишингиз зарур. Товарларнинг ЎзР боғжона худудидан уларни қайта олиб кириш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб чиқиб кетилиши товарлар экспортдир («Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси).

Юридик шахслар экспортдан тушган валюта тушумини олишга ҳақли эканликлари сабабли товарни чет эл валютасига сотиш ҳуқуқига эгадир («Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 14, 16-моддалари).

Улгуржи савдога лицензия олиб, зарур товарларни харид қилишингиз² ва уларни хорижий ҳамкорларга сотишингиз мумкин. Бунинг учун норезидент юридик шахс билан товарларни экспорт қилишга контракт тузишингиз зарур. Товарларнинг ЎзР боғжона худудидан уларни қайта олиб кириш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб чиқиб кетилиши товарлар экспортдир («Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси).

¹Йиғим суммаси ЭКИХнинг 50%ини ташкил этади.

²Олди-сотди ёки етказиб бериш шартномаси бўйича.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Сабохат Султонова, «Norma Online» эксперти.

ЎзРТХБда бошлангич нарх пасайтирилган электрон биржа савдолари натижаларига кўра ТМБ етказиб беришга шартнома тузилди. Унга биноан харидор контракт тузилгандан кейин 5 кун ичида қисман олдидан тўловни амалга ошириши керак. Бироқ ушбу муддат тугагунча етказиб берувчидан ТМБни етказиб беришнинг имкони йўқлиги тўғрисида хат келди.

Тузилган контрактни ижро этишдан бош тор-таётган етказиб берувчига нисбатан қандай чораларни кўришимиз мумкин?

А.Сагдеева.

Зарарлар қопланишига эришинг

— Махсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга тарафларнинг бири шартномани жиддий бузган тақдирда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра йўл қўйлади. Сотиб олувчи томонидан товарлар ҳақини тўлаш муддатлари бир неча бор бузилганда, товарлар бир неча бор олиб кетилмаганда махсулот етказиб берувчи шартномани ижро этишдан бош тортиши мумкин (ФКнинг 455-моддаси).

Биржа битимлари ижро этилмаслиги ёки лозим даражада ижро этилмаслиги билан боғлиқ низо ва ихтилофлар судга биржанинг Арбитраж комиссиясида ёки судда қўрилади («ЎзРТХБ» АЖ ККнинг 27.04.2015 йилдаги қарори билан тасдиқланган Қоидаларнинг 256-банди).

Комиссия сотувчи шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги учун жарималар ундириш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқади (Низомнинг 20-банди 2-хатбоси, «ЎзРТХБ» АЖ бошқаруви ва баённомасига 1-илова). Жарима санкцияларини қўллаш тўғрисидаги аризалар Комиссияга шартномада белгиланган етказиб бериш муддати ўтган пайтдан бошлаб 3 кундан кечиктирмай топширилади (Низомнинг 22-банди). Аризаларни топшириш тартиби Низомнинг 6-бобида белгиланган.

Агар сотувчи томонидан мажбурият бузилганлиги оқибатида шартнома бекор қилинганидан кейин оқилона муддат ичида сотиб олувчи шартномада назарда тутилган товар ўрнига бошқа шахсдан бирмунча юқори, ammo оқилона баҳода товар сотиб олса, у сотувчидан шартномада белгиланган баҳо билан унинг ўрнига тузилган битимдаги баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин (ФКнинг 456-моддаси).

Хуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект мазкур хуқуқ ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақлидир.

Тараф рад (қисман рад) жавобини олган тақдирда ёки талабномага белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, шунингдек талабнома билдирмай ҳам судга даъво аризаси бериши мумкин («Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 17, 19-моддалари).

Шу тариқа, етказиб берувчи шартномани ижро этишдан хуқуққа зид равишда бир томонлама бош торган тақдирда сотиб олувчи ариза билан биржанинг Арбитраж комиссиясига мурожаат қилишга, агар зарар кўрган бўлса, етказиб берувчига талабнома билдириб ёхуд судга даъво аризасини бериб, уларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Алибек Худойбергенов, «Norma Online» эксперти.

Реклама

«КИЧИК-КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани.

Таълимаржон кўч., 1/1.

Тел: (998 71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Шартнома қачон нотариал тасдиқланиши керак

Юридик шахслар ўртасидаги қарз ҳисобига қўчмас мулк берилишини нотариус орқали расмийлаштириш керакми?

Г.Павлова.

— Сизнинг ҳолатда воз кечиш ҳақини бериш тўғрисида келишув тузилади, бунда пуллик мажбуриятни бажариш ўрнига қўчмас мулк бериш тўғрисида келишув тузиш йўли билан тарафларнинг мажбуриятлари бекор қилинади (ФКнинг 342-моддаси).

Қуйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт:

- 1) қонунда кўрсатилган ҳолларда;
- 2) тарафлардан бирининг талаби бўйича (ФКнинг 110-моддаси 2-қисми).

ФКнинг 342-моддасида воз кечиш ҳақини бе-

риш тўғрисидаги келишув учун нотариал шакл назарда тутилмаган. Бу ҳолда қонун ҳужжатларининг бошқа нормаларини ўхшашлик бўйича қўллаш нотўғри бўлади, сабаби бу юридик шахсларнинг ўз хуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашларини чеклайди (ФКнинг 5-моддаси 3-қисми).

Бироқ асосий келишув нотариал шаклда тузилган бўлса, воз кечиш ҳақини бериш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилиши керак (ФКнинг 384-моддаси).

Шу тариқа, тарафлардан бири буни талаб қилмаётган ва асосий келишув нотариус томонидан тасдиқланмаган бўлса, воз кечиш ҳақини бериш тўғрисидаги келишувни нотариал тасдиқлаш керак эмас.

Эркин Ҳосилов, «Norma Online» эксперти.

Буюртмачи ишни қабул қилмаяптими? — Судга боринг!

Фирма қурилиш ишлари билан шугулланади ва ҚҚСни ихтиёрий асосда тўлаган ҳолда ЯСТ тўловчиси ҳисобланади. Буюртмачи ва ёрдамчи пудратчи билан ишларни бажаришга шартнома тузилган эди. Ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажарди. Биз ундан ишлар ҳажмини қабул қилиб, ҳақини тўладик. Бироқ буюртмачи 3 ойдан буён ишларни қабул қилишдан бош тортмоқда, бажарилган ишлар далолатномаси солинган хатларга ҳеч қандай муносабат билдирмаяпти. Илгари у деярли бажарилган ишлар миқдоридан аванс тўлаган.

Буюртмачи қурилиш пудрати шартномаси бўйича бажарилган ишлар далолатномасини қабул қилмаётган бўлса, нима қилиш керак?

Р.Голоскова.

— Қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақини тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 666-моддаси).

Қурилиш ишларини бажариш муддати, буюртмачининг пудратчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиш муддати ва тартиби пудрат шартномасида назарда тутилган бўлиши керак. Агар шартномада ушбу шартлар қайд этилмаган бўлса, пудратчидан бажарилган ишлар натижаси топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабар олганидан кейин буюртмачи дарҳол уни қабул қилиб олишга киришиши шарт.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ишлар натижасини қабул қилиб олишни ўз ҳисобидан ташкил этади ва амалга оширади. Қабул қилиб олиш эканлиги бўйича буюртмачи ва пудратчи далолатномани имзолайди. Тарафлардан бири далолатномани имзолашдан бош тортса, бу тўғрисида унга ёзиб қўйилади ва далолатномани иккинчи тараф имзолайди. Суд далолатномани имзолашдан бош тортиш сабабларини асосли деб топаётган, мазкур бир тарафлама далолатномани ҳақиқий эмас деб топиши мумкин (ФКнинг 680-моддаси). Бинобарин, бажарилган ишлар далолатномасини имзолашдан бош тортиш сабаблари асоссиз¹ ҳисобланса, ушбу далолатнома ҳар қандай ҳолда пудрат ишлари бажарилганлиги далилини тасдиқлайди.

Ёрдамчи пудрат шартномасига келсак: агар буюртмачи билан тузган шартномангизда ишларни ўз қучи билан бажариш мажбурияти белгиланмаган бўлса, фирма ёрдамчи пудрат шартномасини тузишга ҳақли. Бироқ буюртмачи олдида ишларнинг сифати учун фирма жавоб беради (ФКнинг 634-моддаси). Бинобарин, ёрдамчи пудратчи зим-

масига олган мажбуриятларни бажарган бўлса, фирма у бажарган ишларни қабул қилиб ва ҳақини тўлаб, тўғри иш қилган. Шу тариқа, фирма ўз навбатида ёрдамчи пудратчи олдидаги мажбуриятларини бажарган.

Бажарилган ишларни буюртмачига топшириш учун шартнома бўйича ишлар якунланганлиги ва қабул қилиб олиш зарурлиги ҳақида уни ёзма равишда хабардор қилиш лозим. Шу тариқа фирма ишлар вақтида бажарилмаганлиги учун эҳтимолый талабномалар ва жарима санкцияларидан озод бўлади.

Бунинг устига, бажарилган ишлар далолатномаси сизнинг олдиндан ҳақ олганингиз қонунийлигини тасдиқлайди ва шартномани бажариш муносабати билан қилган харажатларингизни акс эттиради. Бажарилган ишлар далолатномасини расмийлаштирилмаган ҳолда буюртмачи даъво муддати² мобайнида сизга тўланган суммани қайтаришни суд тартибиде талаб қилиши мумкин. Бироқ бунда ушбу ишлар бажарилганлигини судда исботлаш керак бўлади. Салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида буюртмачига талабнома билдиришга, унга муносабат билдирмаганда эса — шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга мажбурлаш тўғрисидаги даъво аризаси билан иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлисиз (ХПКнинг 24-моддаси). Даъво аризасида буюртмачи шартномани бажармаганлиги муносабати билан юзага келган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳам ҳақлисиз («Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси).

Сабоҳат Султонова,
«Norma Online» эксперти.

¹Яъни ишларнинг сифати ва ҳ.к. юзасидан даъво йўқ.

²Умумий даъво муддати 3 йилни ташкил этади (ФКнинг 150-моддаси).

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

Ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режими – назорат остида

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг буйруғи (АВ томонидан 28.07.2017 йилда 2906-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Автомобиль транспортида йўловчилар ва юклар ташувчи автотранспорт воситаларида лицензия қарточкалари мавжуд бўлишини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро автомобилларда ташувларни амалга ошириш шартларига риоя этилишини, ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимида риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Қабул қилинган Низомга мувофиқ Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳудудий бошқармаларининг инспекторлари автомобиль транспортида йўловчилар ва юклар ташувчи автотранспорт воситаларида лицензия қарточкалари мавжуд бўлишини, Ўзбекистон ҳудудида халқаро автомобилларда ташувларни амалга ошириш шартларига риоя этилишини назорат қиладилар.

Назоратни амалга оширишда инспектор:

- автотранспорт воситасининг олдига келиши, ҳайдовчига ўзини таништириши, ҳайдовчининг талабига кўра хизмат гувоҳномасини кўрсатиши;

- ҳайдовчиларга уларнинг ҳуқуқларини тушунтириши;

- шахсининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига қатъий риоя қилиши, ўз хизмат вазифасини аниқ бажариши, ҳайдовчига нисбатан маданиятли муомалада бўлиши лозим.

Инспектор лицензия қарточкасини кўздан кечирилади. Лицензия қарточкаси мавжуд бўлмаган тақдирда, тегишли далолатнома тузилади.

Ўзбекистон ҳудудида халқаро автомобилларда ташувларни амалга ошириш шартларига риоя этилишини назорат қилишда инспектор томонидан қуйидагилар текширилади:

- йўловчилар, багаж ва юкларни мунтазам ва номунтазам ташиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни;

- ҳаракат жадвалига риоя қилинишини;

- номунтазам халқаро автомобилда йўловчилар ва багаж ташишларда йўловчилар рўйхати мавжудлигини;

- Ўзбекистон ҳудудида хорижий давлатларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларида йўловчилар, багаж ёки юкларни ташиш, шу жумла-

дан Ўзбекистон ҳудудида вақтинчалик келтирилган хорижий давлатлар автотранспорт воситаларида ташишларни амалга оширишда халқаро шартномалар шартларига риоя этилишини;

- хорижий давлатларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон ҳудудида белгиланган ўтиш пунктлари орқали кириб келганлигини.

Хорижий давлатга тегишли бўлган автотранспорт воситаси назоратдан ўтказилганда ушбу автотранспорт воситасига берилган рухсатнома бланкасининг орқа томонига тегишли ёзув орқали назорат ўтказилганлиги қайд этилади ҳамда инспектор томонидан имзоланиб, махсус штамп билан тасдиқланади.

Автомобилда халқаро ташишларни амалга оширишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режими Халқаро автомобилда ташишнинг амалга оширувчи транспорт воситалари экипажлари ишига дахлдор Европа Битимига (Женева, 1970 йил 1 июль) мувофиқ белгиланади. Бу ерда назорат қилиш Рақамли назорат қурилмаларидан фойдаланиш тўғрисидаги йўриқномага (АВ томонидан 26.03.2012 йилда 2346-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ рақамли назорат қурилмаси хотирасида сақланиб қоладиган параметрлар орқали назорат қилиб борилади.

Ўзбекистон ҳудудида ички ташувларни амалга оширишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режими Меҳнат кодексига мувофиқ белгиланади ва йўл варақаси орқали назорат амалга оширилади.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 31.07.2017 йилдаги 30 (790)-сонидан расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирган.

GPS-трекерли транспортга йўл варақаси тўлиқ тўлдирилмайди

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти бошлигининг буйруғи (АВ томонидан 4.08.2017 йилда 1282-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Чипталарни ҳисобга олиш ва йўл варақаларини тўлдириш бўйича йўриқномага тузатишлар киритилди.

Йўриқномада ҳаракатдаги таркибни олисдан назорат қилиш тизимидан фойдаланган ҳолда, GPS-трекерлар билан жиҳозланган транспортда йўловчилар ташишни амалга оширишда ҳужжатларни тўлдиришнинг хусусиятлари ёзилган.

Ҳужжат	Тўлдирилмайдиган бўлим ва графалар
GPS-трекерлар билан жиҳозланган йўналишли таксилар	
Йўл варақаси	Олд томонининг «Автотранспорт воситасининг пунктлардаги навбатчилиги» бўлими; олд томонининг 5, 15-графалари; ички томонининг «Ҳақиқатдаги вақт» ва «Иш соатлари 1 ўнлик билан» бўлимлари
GPS-трекерлар билан жиҳозланган автобуслар ва йўналишли таксилар	
Йўл варақаси	олд томонининг 5, 15-графалари; ички томонининг 7–20-графалари; орқа томонининг 3-банди
Чипталарни ҳисобга олиш варақаси	1-бўлим. «Ҳайдовчилар, кондукторлар маълумотлари, автовокзаллар (автостанциялар) қайдлари

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 7.08.2017 йилдаги 31 (791)-сонидан расман эълон қилинган кундан 3 ой ўтгач кучга киради.

Моҳина Мирзаева, Олег Заманов, «Norma Online» экспертлари.

МЧЖнинг асосий фаолият тури – қандалат товарлари билан улгуржи савдо қилиш. Корхона балансида «Damas LABO» юк машинаси бор. Ундан фақат ўз товаримизни харидорга етказиб беришда фойдаланамиз. Корхонанинг ўзида (барча зарур маълумотларни ҳисобга олган ҳолда) ишлаб чиқилган ва директорнинг буйруғи билан тасдиқланган йўл варақаси ва транспорт юкхатини ёзиб беришимиз мумкинми ёки тегишли Йўриқнома билан тасдиқланган бланкалардангина фойдаланиш зарурми?

Е.Чернова.

«Ўзбошимчалик»ка рухсат берилмайди

– Йўл варақаси – автомобиль транспорт воситаси ишини аниқлаш ва ҳисобга олиш учун белгиланган намунадаги юридик ҳужжат (АВ томонидан 2.07.2004 йилда 1382-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 1-банди 19-хатбошиси). Белгиланган намунадаги ҳужжатлар фойдаланувчининг хоҳишига кўра ўзгартирилиши мумкин эмас.

Товар-транспорт юкхати (ТТЮ) эса – транспорт жараёнининг барча иштирокчилари учун ягона бошланғич ҳужжат шакли (Йўриқноманинг 1-банди 23-хатбошиси). Товарларни автотранспортда етказиб бериш билан шугулланувчи корхона транспорт жараёнининг иштирокчисига айланади ва, тегишинча, Йўриқномадаги кўрсатмаларга риоя қилиши зарур.

Корхонанинг ўзи ишлаб чиққан йўл варақалари ва ТТЮдан фойдаланиш қатъиян тақиқланади (ЎзАДТнинг 13.07.2017 йилдаги хати).

Лайло Ашурова, «Norma Online» эксперти.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

Жарималар ҳақида билиш учун

Россия Федерацияси Алоқа ва оммавий коммуникациялар вазирлиги Ягона давлат хизматлари порталида (ЯДХП) йўналишли транспорт воситалари, такси рақамларига ва ярим тиркамаларга ёзилган жарималарни текшириш сервиси ишга туширилганлиги ҳақида хабар берди.

Алоқа вазирлигининг электрон ҳукуматни ривожлантириш департаментида қайд этишларича, автобуслар, такси ва ярим тиркамаларга жарималарни текшириш хизмати нафақат яқка тартибдаги ташувчилар, балки ташкилотлар – таксопарклар, автопаркида кўп сонли автомобиллар ёки автобуслар бўлган юк ташувчилар орасида ҳам оммабоп тус олади. Сервис туфайли улар бутун мамлакат бўйлаб автомобилларга ёзилган жарималар ҳақидаги ахборотни 1–2 кун ичида олиб, жарималарни чегирма билан тўлаш имконига эга бўладилар.

Жарималарни текшириш ва тўлаш давлат хизматлари порталидаги энг оммавий сўровлар рўйхатига киради. ЯДХПда ис-талган турда ҳисобда турган фойдаланувчилар ўз автомобили, бошқа киши ёки ташкилотнинг автомобилига ёзилган ДҲХХИ жарималарини текшириб кўришлари мумкин. Бунинг учун авто-мобилнинг давлат рақами ва транспорт воситаси рўйхатдан ўт-казилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақамини киритиш зарур.

Бундан ташқари, жарима тайинлангандан кейин 20 кун ичида ЯДХП орқали жаримани 50% чегирма билан тўлаш мумкин.

Россия Алоқа ва оммавий коммуникациялар вазирлиги матбуот хизматининг хабарига кўра.

Ўзбекистон ҳайдовчилари my2.gov.uz Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жарималарни онлайн-текши-риш бепул сервисиди йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун санкциялар ҳақида билиб олишлари мумкин. Хизматдан фойдаланиш учун Электрон ҳукуматнинг фойдала-нувчиларни идентификациялаш ягона тизими (id.gov.uz) орқали рўйхатдан ўтиш зарур. Автомобиль соҳибининг маълумотла-ри – автотранспортнинг давлат рақами, транспорт воситаси гувоҳномасининг рақами ва серияси, шунингдек сугурта полиси рақамини киритиб, зарур ахборотни олиш мумкин. Сервис Ички ишлар вазирлиги ва Ахборот коммуникацияла-ри вазирлиги кўмағида UZINFOCOM маркази ва «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази томонидан ишлаб чиқилган.

Ўз ахборотимиз.

Ҳакамлик судлари мавқеини ошириш йўлида

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган демократик ислохотлар авваламбор одил судловнинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида (Президентнинг 21.10.2016 йилдаги ПФ-4850-сон Фармони билан тасдиқланган) ҳакамлик судлари фаолиятини ташкил қилишнинг қонуний асосларини ва улар томонидан қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни такомиллаштириш, ҳакамлик судларига қўйиладиган талабларни аниқлаштириш вазифалари қўйилган.

Мамлакатимизда 2006 йилдан бошлаб давлат судларига ёрдамчи, нодавлат, демократик суд органи сифатида ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда ҳакамлик судлари самарали фаолият кўрсата бошлади. Утган давр оралигида мазкур муқобил суд органларида салмоқли натижаларга ҳам эришилди. Лекин ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз тезкор суръатларда ўзгараётгани ва бугунги замон талабларини инобатга олиб, давлат суд органлари соҳасида қилинган ижобий ўзгаришлар каби, ҳакамлик суд органлари жабҳасида ҳам бир қатор ислохотларни ўтказиш, фаолиятларини кенгайтириш учун уларга қўшимча ваколатлар бериш, ҳар томонлама ривожланишларига тўғаноқ бўлаётган қонун нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлмоқда.

Аввало айтиш керакки, республикамизда «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун (16.10.2006 йилдаги ЎРҚ-64-сон, кейинги ўринларда – Қонун) қабул қилинганидан буён унинг нормаларига деярли бирор-бир ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмаган. Шу боис Қонундаги айрим нормаларнинг ҳозирда ҳакамлик судлари ривожланишига тўсқинлик қилаётгани билиниб қолмоқда.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида (5.10.2016 йилдаги ПФ-4848-сон) мувофиқ, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб, тадбиркорлик субъектлари ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берган тақдирда давлат божидан озод этилиши амалиётга жорий этилди, бу фақатгина тадбиркорлик субъектлари учун яратилган имтиёз бўлиб, уни бошқа шахсларга нисбатан татбиқ этиш мумкин эмас. Айнан шу ҳолат ҳакамлик судларида тараф сифатида иштирок этаётган, тадбиркорлик субъекти бўлмаганларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Яна бир муаммо – бу ҳакамлик судлари ҳал қилув қарорларининг мажбурий ижрога қаратилиши. Ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари улар эълон қилингандан бошлаб қонуний кучга кириши туфайли уларни дарҳол – ижро варақасисиз мажбурий ижрога қаратиш лозим. Бу эса келгусида фуқароларнинг ҳакамлик судларини қўлай, тезкор, тежамкор суд органлари деб эътироф этишларини, қолаверса уларнинг янада самарали фаолият юритишларини таъминлайди.

Хозирда тадбиркорлик субъектлари ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижрога қаратиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза билан ваколатли суд органларига мурожаат қилганларида, улар ушбу ариза бўйича юритилган ишни кўриш ва ҳал қилиш жараёнида қатнашиб, кўп вақт сарфлашмоқда, айрим пайтда суд органлари «жавобгар ишга қатнашмади, келмади» деган баҳона билан ишни кўришни пайсалга солган ёки ижро варақасини бериш баҳонасида ишни қайта мазмунан кўрган ҳоллар ҳам амалиётда бўлган.

Бу борада ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси эътиборлидир. Мисалан, Германияда самарали фаолият юритаётган ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари эълон қилингандан кучга киради ва дарҳол ижрога қаратилади. Уларнинг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижрога қаратиш учун ваколатли суд органларига ижро варақасини бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб ўтирилмайди.

Маълумки, Қонун талабига кўра, ҳакамлик судлари юридик шахс мақомига эга эмас, улар юридик шахс ҳузурида ташкил қилиниши мумкин. Уларни ташкил қилган юридик шахс, ўз навбатида, судларнинг фаолиятига ҳар хил йўсинда аралашшига ҳақли эмас, яъни ҳакамлик суди низоларни мустақил, қонун ҳужжатларига асосан ҳал қилиши керак. Бироқ амалиётда айрим ҳолларда ҳакамлик суди фаолиятига аралашиб, уни ташкил қилган юридик шахс раҳбарларининг «ҳакамлик судидан фойда йўқ, иш унда кўрилмасин, ҳакамлик судини очиб, наф кўрмадим»

деган мазмундаги турли баҳоналар билан ҳакамлик суди фаолиятини тўхтатган, суд раисини лавозимидан озод қилиб ёки судьялар рўйхатини қайта-қайта ўзгартиришга эришмоқчи бўлган ҳолларни ёки баъзида юридик шахс бўлмаган ваколатхона ёки филиал ҳузурида ҳакамлик судини ташкил қилаётганларни ҳам кузатиш мумкин. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси ҳузуридаги ваколатхона мамлакатимиздаги ҳар бир вилоят ва туманда ҳакамлик судларини ташкил қилганлигини келтирса бўлади. Ваҳоланки, Фуқаролик кодексининг тегишли нормаларига кўра ваколатхона юридик шахс мақомига эга эмас.

Мазкур қонунбузилиш ҳолатларига барҳам бериш учун Қонунда белгиланган «ҳакамлик судлари юридик шахс бўлмайди» ёки «ҳакамлик суди юридик шахс... ҳузурида фаолият кўрсатади» (Қонуннинг 5–6-моддалари) деган нормаларни «ҳакамлик суди юридик шахс мақомига эга» ва «олий юридик маълумотга эга бўлган, яъни ёки бир неча жисмоний шахслар томонидан юридик шахс сифатида ҳакамлик суди ташкил қилиниши мумкин» деган нормалар билан алмаштириш керак.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Ҳўжалик судлари томонидан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳамда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг (15.06.2012 йилдаги 238-сон)

Давлат судлари каби ҳакамлик судлари ҳам низоларни қонун ҳужжатлари асосида мустақил ҳал қилишларини таъминлаш, уларнинг фаолиятига ҳар хил йўсинда аралашувларга барҳам бериш учун, аввало, уларнинг ўзини бирор-бир юридик шахс ёки юридик шахс раҳбарига тобе қилмасдан, олий юридик маълумотга эга бўлган, яъни ёки бир неча жисмоний шахслар томонидан алоҳида тарзда, юридик шахс мақоми билан ташкил қилиш, ваколатларини ошириш, етарлича шарт-шароитлар яратиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, келгусида нотижорий, фойда кўришни мақсад қилмаган, нодавлат ҳакамлик суд органларининг барқарорлиги ва ривожланишининг омиллири.

Ориф Қандахоров,
«Export import consulting group» МЧЖ ҳузуридаги ҳакамлик суди раиси.



Мерос фақат келишувга кўра тақсимланади

Васиятномага кўра мен ва акамга бир хонали квартира қолди. Квартирада фақат акам пропискандан ўтган. Мен меросга бўлган ҳуқуқни олдим, акам эса олмади. Акам кўп йилдан бун Россияда яшайди, Ўзбекистонга келиш нияти йўқ. Коммунал тўловларнинг ҳаммасини ўзим тўлаб келаман.

Акам йўқлигида ўз улушимни қандай тасарруф этишим мумкин? Ушбу квартирани ижарага бера ёки ўз улушимни сота (ҳада қила) оламани?

С.О.

— Коммунал хизматлар ҳақини тўламаслик меросхўрни, айниқса васиятнома бўйича меросдан маҳрум қилишга асос ҳисобланмайди.

Агар турган жойи аниқланиб, мерос олишга қақирилган-у, лекин ҳозир бўлмаган меросхўр меросдан воз кечмаган бўлса, қолган меросхўрлар меросни тақсимлаш ниятлари тўғрисида уни хабардор қилишлари шарт. Агар ҳозир бўлмаган меросхўр хабар қилинган пайтдан эътиборан 3 ой ичида қолган меросхўрларни меросни тақсимлаш ҳақидаги келишувда иштирок этиш истаги тўғрисида хабардор қилмаса, қолган меросхўрлар

ҳозир бўлмаган меросхўрга тегишли бўлган улушни ажратиб, ўзаро келишувга кўра мерос тақсимотини амалга оширишга ҳақлиқларлар (ФКнинг 1151-моддаси).

Бутун квартирани ижарага бера олмайсиз. 2012 йил январдан бошлаб фуқаролар ўртасида тузилган барча турар жой арендаси шартномалари нотариал тасдиқланган бўлиши керак (УЖКнинг 86-моддаси 3-қисми).

Умумий биргаликдаги мулкдаги мол-мулк ҳисобланган кўчмас мулкни (квартирани) ижарага бериш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланганда барча мулкдорлар,

яъни сиз ва акангиз розилик бериши керак. Бундан ташқари, ушбу жойда пропискандан ўтган шахс сифатида ҳам акангизнинг розилиги зарур.

Бунда ФКнинг 224-моддасига мувофиқ улушли мол-мулк мулкдори, меросхўрлардан бири сифатида сиз квартирадаги ўзингизга тегишли улушни ўзга шахсга сотишингиз мумкин, бироқ бу ҳақда бошқа улуш эгаси бўлган меросхўр акангизга ёзма равишда маълум қилишингиз шарт. Сабаби акангиз сотилаётган улушни у сотилдиган нархда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадир. Агар у имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечса ёки бу ҳуқуқни хабар қилинган кундан эътиборан бир ой давомида амалга оширмаса, ўз улушингизни ҳар қандай шахсга сотишга ҳақли бўласиз. Улуш имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини бузган ҳолда сотилган тақдирда, меросхўр мулкдорлар 3 ой мобайнида сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибиде талаб қилишга ҳақлиқларлар.

Азиза Шоназарова,
Тошкент шаҳар
Миробод тумани
9-сон Давлат нотариал
идорасининг нотариуси.

Меҳнат муҳофазаси учун раҳбар жавобгар

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкилотнинг бошқа бир бўлимига бириктирилиб, шу бўлимнинг бошлиғига бўйсундирилиши мумкинми?

Алишер Умаров.

— Йўқ, мумкин эмас.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин — Қонун) 12-моддасининг 1 ва 2-қисмларида белгилангандек, ходимларининг сони 50 киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ишлаб чиқарувчи корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш (бундан кейин — ММҚ) талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида ММҚ хизмати ташкил этилади ёки ММҚ бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Ходимларининг сони кам бўлган ташкилотда бундай хизматни ташкил этиш ёки лавозимни жорий этиш масаласи иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилади.

ММҚ хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлими бўлиб, у бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунди (Қонун 12-моддасининг 3-қисми). Ушбу норма ММҚ бўйича мутахассисга ҳам тааллуқли.

ММҚ хизмати мутахассислари ММҚ қоидалари ва нормаларига барча ходимлар томонидан риоя этилишини назорат қилиш, таркибий бўлиналарнинг раҳбарларига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек ММҚ масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ташкилот раҳбарига тақдимномалар киритиш (Қонун 12-моддасининг 4-қисми) ва бир қатор бошқа ҳуқуқларга (масалан, АВ томонидан 14.08.1996 йилда 273-сон билан рўйхатдан ўтказилган Намунавий низомда белгиланган) эга.

Камол Музаффаров,
«Norma Online» ётақчи эксперти.

Она — таътилда, лавозими — амалда

Мен 2012 йилдан бун махсус мактабга таълим муассасасида ишлаб келаман. Меҳнат кодексининг 234-моддасига асосан ҳомиладорлик ва туғиш пайтидаги таътилдан муддатидан олдин ишга қайтдим. Ҳозир боғча мудираси менга 2018 йилнинг 1 августига белгиланган меҳнат шартномасини бериб, кўл қўйдириб олди. Шартнома бир нусхада тузилган, шартнома мудирада қолди. Мудиранинг хатти-ҳаракатлари қонунийми?

Сурайё Юсупова.

— Бу вазиятда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилган.

МКга кўра болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланиб қоллиниши керак (Меҳнат кодексининг 234-моддасининг 5-қисми). Шунга кўра, агар меҳнат шартномасининг муддати ходима болани парваришлаш таътилида бўлган даврда тугаса, бу муддат узайтирилади.

Муддатли (шу жумладан 1 йилгача) меҳнат шартномалари:

— бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;

— корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер

вазифасини бажарувчи ходим билан;

— қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин (МКнинг 76-моддаси).

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камиде икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади (МКнинг 74-моддаси 3-қисми).

Меҳнат шартномалари МКга биноан номуайян муддатга, 5 йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга ҳамда муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади (МКнинг 75-моддаси 1, 2-қисмлари).

Сизнинг ҳолатингизда болани парваришлаш таътилига чиққунингизга қадар сиз билан номуайян муддатга меҳнат

шартномаси тузилган тақдирда, ушбу шаклда тузилган меҳнат шартномасини сизнинг розилигингизсиз муайян муддатга, шунингдек муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузишга йўл қўйилмайди (МКнинг 75-моддаси 3-қисми).

Сизга тақдим этилган муддатли меҳнат шартномаси шартларига рози бўлмасангиз, ушбу шартномага имзо қўймаслигингиз керак эди. Шартноманинг тарафлар томонидан имзоланганлиги сизнинг ушбу шартнома шартларига рози эканлигингизни англатади.

Шунинг учун сиз ўз меҳнат ҳуқуқларингизни тиклаш мақсадида Меҳнат ҳуқуқ инспекциясига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (суд, прокуратура)га ариза билан мурожаат қилишингиз лозим.

Мурожаатда шартномага мажбурланган ҳолда ёки алдов остида имзо қўйганлигингиз ва шу билан боғлиқ ҳолатларни тасдиқловчи далилларни акс эттиришингиз керак бўлади.

Жамолиддин Вақосов
«Norma Online» эксперти.

Бино учун ким жавоб беради?

— Бинони бир ташкилотдан бошқа ташкилот балансига ўтказиш операциyasi — битимни рўйхатдан ўтказиш, олинган мулкни бухгалтерия ҳисоби-га киритиш, яъни уни корхона балансида акс эттириш ва ҳоказолар тегишли қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда, хусусан, Фуқаролик кодексининг 111-моддаси, 5-сон БҲМС «Асосий вოსиталар»га мувофиқ тартибга солинади. Қонун ҳужжатларида корхона балансидаги бино учун жавобгар шахсни тайинлаш шартлиги назарда тутилмаган.

Бинога муайян шахсни жавобгар қилиб тайинлашда иккита йўл бор: ё корхона ходими-га қўшимча иш вазифалари юкланади ёки бунинг учун янги штат очилади. Агар бинони балансга қабул қилиш ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришга олиб келса, иш берувчи меҳнат шартларини ходимнинг розилигисиз ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бу

ҳолда иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камиде 2 ой олдин ёзма равишда оғохлантириб, тизхат олиши шарт. Кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин, бунда ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади (Меҳнат кодексининг 89-моддаси).

Агар таъсисчилар бино учун жавобгарликни корхона директорининг зиммасига юклашни зарур деб ҳисобласалар, унда ушбу қарор ташкилотнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилиниши керак.

Алибек Худайбергенов,
«Norma Online» эксперти.

Айбсиз айбдор бўлиб қолмаслик учун...

МЧЖ ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланади. Штатда 6 киши қайд этилган, иш ҳақи – вақтбай. Таъмирлаш муносабати билан ишлаб чиқариш цехи 14 кунга ишни тўхтатиб турди.

Асбоб-ускуналар таъмирланган вақтда ходимларга иш ҳақи ҳисобламаслик мумкинми, бунда қандай ҳужжатга асосланилади?

З.Азизова.

– Асбоб-ускуналар синиши ёки таъмирланиши ёхуд ходим ўз меҳнат вазифасини бажаришига имкон бермайдиган бошқа сабабларга кўра ишда бекор туриб қолинса, у бу ҳақда ўзининг бевосита раҳбари, иш берувчининг бошқа қаилига ёзма равишда хабар бериши керак. Агар у иш берувчини огоҳлантирмаган ва яроқсиз маҳсулот иш-

лаб чиқаришда давом этган бўлса, ушбу маҳсулотга ҳақ тўланмайди, сабаби ходимнинг айби билан ҳаракат қилинмай, бу яроқсиз маҳсулот чиқишига олиб келгани кўриниб турибди.

Ходимнинг айби техник ёки технологик қоидалар, низомлар, хизмат йўриқномалари, ички тартиб қоидаларини қасддан ёки эҳтиётсизлик ту-

файли бузишида намоён бўлиши мумкин.

Шу сабабли ходим ўзининг бевосита раҳбарига бекор туриб қолганлик ҳақида ёзма хабар бермаса, у эса шундай қилиши керак, бу интизомий жавобгарликка тортилишига олиб келиши мумкин (МКнинг 181, 182-моддалари). **Ходимнинг айби билан бекор туриб қолинган вақт учун эса ҳақ тўланмайди** (МКнинг 159-моддаси 3-қисми), бу буйруқ билан расмийлаштирилади.

Ходимнинг айбсиз яроқсиз маҳсулот тайёрланганда (масалан, сифатсиз хом ашё, ҳужжатлардаги хатолар, асбоб-ускунанинг носозлиги ва ҳ.к. сабабли), **бекор туриб қо-**

линган вақтда унинг ўртача иш ҳақи сақланади (МКнинг 159-моддаси 1-қисми).

Бунда жамоа ёки меҳнат шартномасида янги ишлаб чиқаришни (маҳсулотни) ўзлаштириш даврида унинг аввалги иш ҳақи сақланиши назарда тутилиши мумкин.

Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар бўйича ҳақ

тўланади, бундай баҳолар жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади (МКнинг 159-моддаси 2-қисми).

Абдусалом Рискунлаев,
«Norma Online»
етакчи эксперти.

Сменали иш графиги: нималарга эътибор бериш лозим

Корхонадаги 6 кунлик иш ҳафтасида сменали иш графиги йўлга қўйилган.

1-сменанинг иш вақти – 8.00 дан 16.00 гача, тушлик – 12.00 дан 13.00 гача, 2-сменанинг иши – 16.00 дан 24.00 гача, танаффус – 22.00 дан 23.00 гача, тунги смена – 24.00 дан 8.00 гача, танаффус – 6.00 дан 7.00 гача.

Иш вақти ва ҳисоби тўғри ташкил этилганми? Бухгалтерия учун буйруқ тайёрлаш зарурми?

Газетхон.

– МКнинг 122-моддасига мувофиқ, 1 кун дам олинмаган 6 кунлик иш ҳафтаси шартотида смена бўлиб ишланаётган жойда иш графиги тўғри тузилган: 6 кунлик иш ҳафтасида иш вақти 7 соатдан ошмайди (тушлик учун танаффус иш вақтига кирмайди).

Иш ҳафтасининг тури ва иш вақти режими (кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати, ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, сутка давомидаги сменалар сони, иш кунлари ҳамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмашилиши, ходимларнинг сменадан сменга ўтиш тартиби) корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса, – ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади (МКнинг 120-моддаси). Бу бухгалтерия ҳисоб-китоб қилиши учун

асос бўлиши лозим.

Қўшимча буйруқларни чиқариш керак эмас.

Тунги вақтдаги (22.00 дан 6.00 гача) ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади (МКнинг 158-моддаси). Саволда кўрсатилган иш графигида кечки сменадаги 2 соат – 22.00 дан 24.00 гача тунги вақтга тўғри келади; тунги сменага 6 соат – 00.00 дан 6.00 гача тўғри келади.

Қўйидагиларни албатта ҳисобга олиш лозим:

– байрам кунлари арафасида смена муддати барча ходимлар учун камида 1 соатга қисқартирилади (МКнинг 121-моддаси), ишлаб чиқаришда иш графигини ўзгартириб бўлмаганда эса ортиқча ишланган вақт иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади ва унинг учун камида икки ҳисса

миқдорида ҳақ тўланади (МКнинг 157-моддаси);

– байрам кунлари арафасида 3-сменадаги ишни бекор қилиш, сабаби иш вақти янги (байрам) суткасига тўғри келади, ёхуд бунинг имкони бўлмаганда – байрам кунидидаги иш камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўлаш зарур.

МКнинг 220-моддаси 5-қисми, 228 ва 245-моддаларида белгиланган чекловларга риоя қилган ҳолдагина ходимларни тунги вақтдаги ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилишга йўл қўйилади:

– **ногиронларни – уларнинг розилиги билангина**, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса;

– **ҳомиладор аёлларни ва 14 ёшга тўлмаган боласи, 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларни – уларнинг розилиги билан**. Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиги учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади;

– 18 ёшга тўлмаган шахсларни жалб этиш тақиқланади.

20 нафар янги ходим билан меҳнат муносабатларини расмийлаштирмоқчимиз, тегишинча, улар ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқармоқчимиз.

Ҳар бир ходимга алоҳида буйруқ чиқариш зарурми ёки 20 та параграф билан битта буйруқ чиқариш мумкинми?

Г.Ганиева.

Ҳар бир ходимга алоҳида буйруқ

– **Битта буйруқ чиқариш мумкин.**

Ишга қабул қилишни расмийлаштириш чоғида ҳар битта ходим билан алоҳида меҳнат шартномасини тузиш зарур, у буйруқ чиқариш учун асос бўлади (МКнинг 82-моддаси). Умумий буйруқда айрим ходимларга доир маълумотларни, қабул қилинган санасини, лавозимини, бухгалтерия иш ҳақини ҳисоблаётганда асосланадиган бошқа маълумотларни алоҳида бандлар ёки параграфлар билан қайд этишни тавсия қиламиз.

Бироқ айти пайтда ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқни ҳар бир ходим учун алоҳида чиқаришни тавсия этамиз. Ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ ҳар бир ходимга тилхат олиб эълон қилинади. Ҳар бир ходимга доир бандлар мазмуни эса турлича, айнан унга тааллуқли бўлиши мумкин. Бошқа шартлар билан ишга қабул қилинаётган қолган ходимларни бу ҳақда хабардор қилиш маъқул эмас.

Бундан ташқари, рўйхат бўйича барчага эмас, балки айнан бир ходимга доир маълумотлар талаб қилинадиган турли тақдиротларга (банддклига кўмаклашиш марказларига – меҳнат дафтарчаларини сотиб олиш учун бююртмани расмийлаштириш учун; олий таълим муассасасига – битирувчи меҳнат фаолиятини бошлаганлигини тасдиқлаш учун, Пенсия жамғармаси бўлимларига ва б.) вақти-вақти билан ишга қабул қилганлик тўғрисидаги буйруқлардан нусхалар олиш керак бўлади.

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚҮРБОНБОВ

Нашир учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида тергилди ва саҳифаланди.
Нашир юрстанки – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоси кўчирилган нархда.
Буюртма 1104. Адади 1 090. Газета 2017 йил 21 август соат 20.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
мурожаат қилиш мумкин.